

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 26-fevral, chorshanba № 16 (15758)

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг  
ҚАРОРИ

## 2014 йилги НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу аънамага айланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшashi, унинг қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва аъналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб ҳамда Наврўз байрамини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби 1-иловага, ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий кўмита ва унинг ҳудудий бўлимлари Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, «**Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!**» деган шиорни асосий гоа сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамнинг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, аъна ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун сеvimли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

(Давоми 2-саҳифада)



## 2014-yil — Sog'lom bola yili

Президентимиз томонидан қабул қилинган «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг мазмун-моҳияти мамлакатимизда маънавият ва маърифатни юксалтиришга, болаларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган.

Ширин энергетика ва маиший хизмат кўрсатиш коллежида «Наввой ҳаёти — илҳом чашмаси», «Бобур — миллат қалбида барҳаёт сиймо» мавзуларида адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди.

Буюк аждодларимиз — Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд кунлари-га бағишлаб ўтказилган ушбу

тадбирда ўқувчи-ёшлар улуг шоирларимизнинг ғазал ва рубойларидан ўқишди, кўшиқлар ижро этишди.

\*\*\*

Когон шаҳридаги 5-мактабда Ҳаракатнинг туман кенгаши «Миллатлараро тотувлик – тинчлик гарови» шиори остида фес-

тиваль ўтказди. Унда турли миллатга мансуб ёшлар учрашишиб, миллий урф-одат ва аъналарини билан танишишди.

Фестиваль доирасида иқтидорли ёшлар «Юрт тарихи», «Ош бўлсин!» ҳамда «Миллий рақслар гулдастаси» лойиҳалари орқали истеъдод ва маҳоратларини намойиш этди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# 2014 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яша-риш ва янгиликларни, кут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар мар-

казлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналарига, эл-юртимизнинг дилдан чуқур жой олган, гўзал

инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетли маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида респуб-

лика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситала-

рига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 24 февраль

Ислом КАРИМОВ

«Kamolot» loyihalari

## ХУҚУҚИНИ БИЛАДИГАН ЁШЛАР

Урганч шаҳрида «Камолот» ЁИХ шаҳар кенгаши ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Энг фаол ёш истеъмолчи» кўрик-танловини ўтказди. Унда шаҳардаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари қатнашди. Танловнинг якуний босқичи Урганч ахборот технологиялари коллежида бўлиб ўтди.

Ёшлар юртимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида қилинган ишлар ҳамда бу

бўйича қабул қилинган қонунларни нечоғлик билишини амалий ва назарий жиҳатдан намоён этишди.

Танловда ҳарбий ҳуқуқшунослик йўналишидаги академик лицей ўқувчиси Алибек Жаҳонов биринчи ўринга сазовор бўлди. Қолган фахрли ўринларни қурилиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Биллурой Давронбекова ва 2-академик лицей ўқувчиси Шайдо Эгамбердиева қўлга киритди. Бошқа иштирокчилар турли номинациялар бўйича голиб деб топилди.

Голиб ва совриндорларга «Камолот» ЁИХ Урганч шаҳар кенгаши томонидан диплом ва фахрий ёрликлар топширилди.

Дилдора ОРТИҚОВА

Hokim va yoshlar

## ТАКЛИФЛАР ҚЎЛЛАБ- ҚУВВАТЛАНДИ

Қашқадарё вилояти ҳокими, Олий Мажлис Сенати аъзоси Зафар Рўзиев иштирокида «Ҳоким ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди. Унда фан, маданият, спорт ва бошқа соҳаларда тенгдошларига ўрнатилган фаол ёшлар ҳамда вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари, корхона-ташкilot ва таълим муассасалари раҳбарлари иштирок этди.

Дастлаб вилоят ҳокими З.Рўзиев сўз олиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати доирасида вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳусусида тўхталиб ўтди.

Учрашувда Президентимиз раҳномалигида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ўз иқтидорини ва салоҳиятини тўла намоён этиши учун шарт-шароит яратиш, изомлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самара бераётганлиги таъкидланди. Шунингдек, сўзга чиққанлар ёшларга берилаётган имкониятлар, ечимини кутаётган муаммолар, уларни бартараф этиш юзасидан таклифларини ҳам айтиб ўтишди.

Қашқадарёлик ёшлар ҳам имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда кўплаб ютуқларга эришмоқда. Жумладан, 1408 нафар йигит-қиз турли танловларда, 107 нафар ёш фан олимпиадаларида, 2558 нафар ўғил-қиз спорт мусобақаларида иштирок этди. Президентимизнинг 2013 йил 3 декабрдаги фармонида кўра, икки нафар қашқадарёлик ёш «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Учрашувда ана шундай ютуқларга эришган ёшлар номидан Қарши давлат университети талабаси Фурқат Жалолов сўзга чиқди ва қўлга киритаётган ютуқлари ҳамда замонавий таълим тизимининг

такимлашиб бораётгани ҳусусида тўхталиб ўтди. Учрашувнинг асосий қисмида вилоятнинг фаол ва ташаббускор ёшлари турли соҳалар бўйича ўз таклифларини билдиришди.

Жумладан, вилоятдаги академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун «Ҳоким стипендияси»ни ташкил этиш, ўқувчи ва талабалар билан юртимиздаги тарихий обидаларга ва диққатга сазовор манзилларга мунтазам саёҳат уюштириш, «Психологик марказ» ташкил этиш, Ҳаракатнинг Шаҳрисабз, Нишон, Миришкор кенгашлари қошида сунъий копламали футбол майдони қуриш, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошида «Ёшлар» телестудиясини ташкил этиш, Қарши шаҳри ва барча туманларда кинотеатр қуриш, мавжудларини қайта таъмирлаш ва замона талаблари даражасида жиҳозлаш, вилоят ва туманлардан фаол, ташаббускор ва табиий етакчилик қобилиятига эга ёшлар учун «Фаол ёшлар» оромгоҳини ташкил этиш, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳудуддаги Халқ депутатлари вилоят ва туман кенгаши депутатлари, корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари иштирокида ёшлар олдида турган муаммоларни бартараф этиш юзасидан учрашувлар ўтказиш, «Камолот» ЁИХ вилоят кенгаши қошидаги тикувчилик тўғрисидаги қўшимча йиғирма донда тикув машина-

сини ажратиш ҳамда ёшларни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехига айлантириш каби таклифлар билдирилди.

— Учрашувда тўғрагимиз фаолиятини янада кенгайтириш ва қизларни иш билан таъминлаш мақсадида Ҳаракатнинг вилоят кенгаши қошида тикувчилик цехини ташкил этиб, унинг тикув машиналари билан таъминлашида амалий ёрдам сўрадим. Ушбу таклифим мутасадди ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди ва тўғрақ фаолиятини янада ривожлантириш учун йиғирма донда тикув машинасини олиб беришадиган бўлди, — дейди вилоят «Ёшлар маркази»даги тикувчилик тўғраги раҳбари Гулмира Хидирова.

Вилоят ҳокими З.Рўзиев ушбу таклифлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Учрашув сўнгисида билдирилган таклифлар бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқиши белгилаб олинди.

Учрашувда ёшлар ўзларини қизиқтирган саволлар ва масалаларга ечим топишди. Учрашув якунида вилоятнинг энг фаол, иқтидорли ёшлари вилоят ҳокимининг таъшиқнома маси билан тақдирланди.

Шавкат КАРОМОВ,  
«Turkiston» мухбири.  
Шоҳида  
ЭШМАМАТОВА,  
«Камолот» фаоли.

## ВАТАННИ МАДҲ ЭТИБ...

Мамлакатимизда ҳар томонлама баркамол авлодни камол топтириш мақсадида жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда ташкил этилган болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчиларнинг қизиқишлари рағбатлантирилиб, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини янада юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Эндилликда ана шундай мактабларни тугатаётган ўқувчилар орасидан юртимиз доврагини дунёга танитаётган кўнлаб истеъдодлар етишиб чиқмоқда.

Чилонзор туманидаги 8-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган таълим масканларидан бирidir. Бу ерда бир юз етмиш нафар иқтидорли ўғил ва қиз доира, рубоб, дутор, чанг, фортепиано, скрипка, гитара, шунингдек, эстрада ва анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, рақс, театр санъати каби йўналишлар бўйича билим олишмоқда. Ўттиз икки нафар малакали педагог ўқувчиларга мусиқа ва санъат сирларини кунт билан ўргатмоқда.

Яқинда ушбу мусиқа ва санъат мактабида «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси таниқли эстрада хонандалари иштирокида ташкил этган ижодий учрашув ва маҳорат дарслари «Ватанни мадҳ этайлик» номли мавзуга бағишланди. Она Ватан, кадрдон юрт мадҳи эстрада хонандалари ижро эт-

ган наволарда янада баланд пардаларда тараннум этилди. Ушбу таълим масканида ёш истеъдод эгаларининг пухта билим олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ижодий учрашув жараёнида эстрада хонандалари ўқувчилар яратган ижодий ишлар намуналари билан яқиндан танишдилар, бўлғуси хонандалар ижросида янграган жозибали куй-қўшиқлардан баҳраманд бўлишди. Ўз навбатида ижодий мулоқот ва маҳорат дарслари шаклида ташкил этилган учрашувда ўқувчилар ўзларини қизиқтирган саволларга севимли хонандаларидан жавоб олишди. Учрашув йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Шахло ТЎРАЕВА,  
ТДЮУ қошидаги академик лицей  
ўқувчиси

## Hisobot-saylov konferensiyalari

**Пойтахтлик фаол ёшлар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгашининг ўтган икки ярим йиллик фаолиятини сарҳисоб қилишга, ютуқлар билан бирга жойлардаги камчилик ва муаммоларни ҳам етказишга, таклиф ва фикр-мулоҳазаларини айтишга, энг муҳими, пойтахтлик ёшларнинг етакчисини сайлашга йиғилишди.**

## РАҚАМЛАР ЭМАС, ИШ САМАРАДОРЛИГИ МУҲИМ

Дастлаб «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар кенгаши раисининг ҳисоботи тингланди. Ҳисоботда қайд этилишича, Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши тизимидаги 690 та бошланғич ташкилот уч юз минг нафардан ортиқ ёшни ўз атрофига бирлаштирган. Бугун «Сиз қонунни биласизми?», «Тафаккур синовлари», «Шунқорлар», «Камолот» маликаси, «Камолот» кубоги, «Камолот-тур» ёшлар веломарафони каби спорт мусобақалари пойтахтлик ёшларнинг сеvimли тадбирларига айланган. Биргина «Мутахассислик сайли» лойиҳасида 27 та олий таълим муассасасининг кўргазмалари ташкил этилди. Унда 118 та ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасасидан 34 мингдан ортиқ битирувчи, маҳаллалардан эса 4200 нафардан ортиқ ёш иштирок этди. Сайл доирасида меҳнат ярмаркалари ташкил этилиб, унда 128 та корхона-ташкilot 14242 та бўш иш ўрни билан қатнашди. Унда 918 нафар ёшга ишлаш учун йўлланма берилди. Ўтган йили «Бунёдкор» ёшлар меҳнат отрядларига 3250 нафар ёш жалб этилди.

Конференцияда қилинган ишлар билан бирга, йўл қўйилган камчиликлар ҳам айтиб ўтилди. Айниқса, ҳуқуқбузарлик, одам савдоси, ОИВ/ОИТС билан касалланган ҳамда спиртли маҳсулотларни сурункали ичувчилар сони ошиб кетаётганлиги алоҳида таъкидланди. Бундай ҳолатлар Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши ва унинг қўйи тизимлари ёшлар ўртасида олиб бораётган ишлари етарлича самара бермаётганлигини кўрсатади. Бу эса ёшлар билан ишлашнинг замонавий усуллариини ўзлаштириш ва иш фаолиятига жорий этишни тақозо этади.

Конференцияда нафақат ўтган икки ярим йиллик фаолият таҳлил қилинди, балки яқин келажакда амалга ошириладиган устувор вазифалар ҳақида ҳам фикрлашиб олинди. Унга кўра, шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган корхона, ташкилот ва муассасаларда бошланғич ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш, вояга етмаганлар ўртасида давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ҳуқуқбузарлик ва жиноatchиликнинг олдини олиш борасида махсус профилактик тадбирлар ўтказиш, «Ёшлар ижтимоий



хизматлари» марказлари имкониятидан кенг фойдаланиш, етакчилар кўнимсизлигининг олдини олиш учун табиий етакчиларни саралаб олиш, коллежалар битирувчилари билан тузиладиган уч томонлама шартномаларга тўлиқ амал қилинишига эришиш, ёшларнинг фикри, таклиф ва ташаббусларини ўрганиш ҳамда уларни амалиётга татбиқ этишга қаратилган социологик сўровномаларни ташкил этиш таклифлари илгари сурилди. Зеро, бугун белгилаб олинаётган вазифалар яқин йиллардаги Ҳаракат фаолияти йўналишларини белгилаб, эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларга аниқлик киритади.

Конференцияда сўзга чиққанлар «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Тошкент шаҳар кенгаши фаолияти юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, Учтепа туманидаги «AVA-Print Group» маъсуляти чекланган жамияти раҳбари Шохрух Расулов Ҳаракатнинг «Менинг бизнес ғоям», «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари тадбиркорлик билан шуғулланишни истаётган тенгдошлари учун катта имконият яратаётганини айтиб ўтди.

— 2005 йилдан буён «Камолот» аъзосиман, — дейди у. — Шу вақт давомида Ҳаракатнинг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тадбирларида қатнашиб келаямман. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва уларга имтиёзли кредит олишга кўмаклашишга қаратилган лойиҳалар доирасида ўтказиб келинаётган семинар-тренингларда қатнашиб, малака ва тажрибамни оширяман. Мен ҳам ушбу лойиҳаларда қатнашиб, имтиёзли кредит асосида ўз бизнесимни йўлга қўйдим.

Ҳозир беш нафар тенгдошимни доимий иш билан таъминлаб, аҳолига маиший хизмат кўрсатиб келаямиз.

— Ўтган йили Зулфия номидаги Давлат мукофотида сазовор бўлдим, — дейди делегат, Тошкент молия институти қошидаги 2-академик лицей ўқувчиси Робия Рўзиева. — Бунда «Камолот»нинг ҳам ўз ўрни бор. Айниқса, Ҳаракат қошидаги «Бунёдкор» ёшлар телеклубининг ўрни катта. Ҳаракатнинг «Камолот» стипендияси, «Камолот» таълим гранти ҳамда «Камолот» ғунчалари, «Камолот» маликаси, «Камолот» шахмат тахтаси каби лойиҳалари биз, ёшларни янада яхши ўқишга, соғлом турмуш тарзини танлашга хизмат қилмоқда.

Конференцияда қайд этилишича, пойтахт ёшлари учун учта ёшлар боғи ҳамда «Ёшлар маркази» ташкил этиладиган бўлди. Шунингдек, «Камолот» ишини ўтказиётган тадбирларининг сони билан эмас, балки унинг сифат ва самараси билан ўлчаш кераклиги алоҳида таъкидланди.

Кун тартибидаги масалалар кўриб чиқилгач, Ҳаракатнинг Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасини вақтинча бажариб келаятган Элбек Шукуров номзоди делегатлар эътиборига ҳавола этилди. Делегатлар ушбу номзодга овоз бериб, ўзларига етакчи этиб сайлашди. Ёшлар етакчисининг ўринбосарлигига Босит Умархўжаев, Тошкент шаҳар «Камалак» болалар ташкилоти раислигига эса Сардор Маҳкаммов сайланди.

Конференцияда Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов ҳамда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши раиси Б. Ганиев иштирок этди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» муҳбири**

## ҲАММАСИ СИЗУ БИЗГА БОҒЛИҚ

**Навоий шаҳрида карнай-сурнай садолари остида тонг отди. Майин эсан шаббода эса қандайдир байрамдан дарак бераётгандек эди...**

Ҳаракатнинг Навоий вилояти кенгашида бўлиб ўтган навбатдаги ҳисобот-сайлов конференцияси ана шундай кўтаринкилик билан бошланди. Унда «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши масъуллари, туман ва шаҳарлардан келган делегатлар, ҳамкор ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Конференция аввалида давлат мукофоти совриндорларию ёш хунармандлар, ёш технологларнинг ижодий ишлари ҳамда халқаро ва республика мусобақаларида кўплаб ютуқларни қўлга киритган умидли спортчиларнинг фахрий ёрлиқ ва медалларидан намуналар намойиш этилди. Юздан ортиқ иқтидор эгалари иштирок этган кўргазмада ҳудуд ёшларининг салоҳияти ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Кўргазмадаги кўтаринкилик Навоий боғида давом этди. Унда ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гулчамбар қўйилди.

— Бу маскан биз, ёшлар учун ниҳоятда қадри. Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳар ойда ўтказадиган «Юртим тарихи билимдониман» лойиҳасига айнан шу ерда старт берилиб, вилоятдаги тарихий жойларга саяҳат уюштирилади. Ана шу лойиҳада мунтазам қатнашиб, «Навоий — ўтмиши қадим, келажак нурли диёр» жумласининг моҳиятини англай бошладим. Конференциядаги бундай йўқлов эса қалбимда ана шундай ҳисларни яна бир карра жонлантди, — дейди делегат, Навоий шаҳридаги 16-мактаб ўқувчиси, Навоий шаҳар «Камалак» болалар ташкилотининг Сардорлар кенгаши раиси Наргиза Мажидова.

Ҳисобот конференциясининг расмий қисмига вилоят ҳокимлигида навбат берилиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилиши, Ҳаракат томонидан таклиф этилаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий лойиҳалар ифодаланган видеоролик намойиш этилди. Унда «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши ташаббуси билан вилоятнинг Нурота туманидаги Қадоқ қишлоғи кенгликлари, Қизилтепа туманининг кичик корхоналарида, Хатирчидаги Лангар тоғ-тизмаларида, Учқудуқ адирлари атрофида, Хайдаркўл ёнбағирларида, Зарафшон шаҳридаги «Мурун-тов» қони ҳамда Навоий шаҳридаги «Навоийэти» ОАЖ, «Қизилқумцемент» ОАЖ, НКМК сингари ийрик саноат масканларию Навоий эркин-индустриал зонасида ташкил этилган «Бир мақсад йўлида», «Ватан равнақиға барчамиз масъулмиз», «Юрт тараққиётига менинг ҳиссам», «Ободлик бунёдкориман» шиори остидаги лойиҳалар йиғилганлар кўз ўнгиде қайта жонланди.

Конференция Ҳаракатнинг вилоят кенгашида ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар сарҳисоби билан давом этди. Айтиб ўтиш жоиз, айна пайтда вилоят кенгаши 180 мингга яқин ёшни ўз атрофида бирлаштирган. Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, Ҳаракатнинг туман ва шаҳар кенгашиларида 530 та бошланғич ташкилот бўлиб, улардан 61 таси саноат-қурилиш соҳасида, 15 таси қишлоқ хўжалиги, 51 таси ўрта махсус, касб-хунар таълими ва 350 таси умумтаълим мактабларида, еттитаси ҳарбий қисмларда, 39 таси турли меҳнат жамоаларида фаолият кўрсатяпти. Ҳисоботда Ҳаракат барча соҳа тармоқ-

ларни қамраб олаётгани, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, диний экстремизм ва гийҳвандликнинг салбий оқибатларини улар онгига сингдиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, ҳокимликлар вакиллари ва маҳалла фуқаролари йиғинлари билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани таъкидланди. Хусусан, мунтазам равишда ўтказиб туриладиган «Менинг ҳуқуқ ва бурчларим», «Мен сайловга тайёрман», «Ҳуқуқ ва биз» мавзуларидаги тадбирлар бунинг амалий исботи. Шунингдек, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга кўмаклашиш ҳамда коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлашга қаратилган кўплаб тадбирлар, семинарлар ташкил этилди.

Ҳаракатнинг вилоят кенгаши ҳисобот даврида маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорликда йигирмадан ортиқ меҳнат ярмаркалари ўтказиб, тўрт минг нафардан ортиқ ёшларни иш билан таъминлашга кўмаклашди. Қолаверса, Ҳаракат тизимида ташкил этилган «Ёшлар ижтимоий хизматлари» марказлари ҳамда Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да фаолият олиб бораётган тўғарақлар орқали уч минг нафарга яқин ёшлар касб-хунарга йўналтирилди.

Атрофни обод этиш, кўнгли ярим, ёрдамга муҳтожларга кўмак бериш халқимизга хос фазилат. Ҳаракат ҳам ана шу анъаналарни фаолиятига сингдирган. Буни «Ҳашар — ёшларга ярашар», «Ҳар бир ёшга бир ниҳол» шиори остида маҳалла гузарлари, таълим муассасалари ва қабристонларда олиб борилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида ҳам кўриш мумкин. Шунингдек, вилоятда кичик ер майдонларида «Ёшлар боғлари» ташкил этилгани ҳам маълумот ўрнида келтирилди.

Бундан ташқари, Ҳаракат тизимида қўлга киритилган ютуқлар ҳам аниқ рақамларда санаб ўтилди. Хусусан, «Камолот» шахмат тахтаси» турнирининг республика босқичида навоийлик ёш шахматчилар олий ўринни эгаллагани, ўтган йили мактаблардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари ўртасида ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг республика босқичида Навоий шаҳридаги 16-мактаб ҳамда мазкур танловнинг корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари ўртасида ўтказилган республика босқичида Навоий-кон металлургия комбинатининг уй-жой коммунал бoшқармаси бошланғич ташкилоти фахрли 1-ўринни қўлга киритганини ҳам эътироф этиш жоиз. Қувонарлиси шундаки, бугун «Камолот» том маънода замон қаҳрамонларини кашф этмоқда.

— «Камолот» стипендияси танловининг республика босқичида Навоий вилоятдан икки киши ғолиб бўлди. Ўша лаҳзаларда бу заминда ҳеч бир иқтидор эгаси эътибордан четда қолмаслигини ич-ичимдан ҳис этганман. Ушбу стипендия мени янги марралар сари интилишга илҳомлантди. Айна пайтда ҳисобот конференциясида қатнашиб, ўз таклифларимни билдирияман, — дейди делегат, Навоий давлат педагогика институти талабаси Лола Исроилова.

Ҳаракатнинг Навоий вилояти кенгашининг navkamolot.uz веб-сайти вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган «Йилнинг энг яхши сайти» танловида «Ёшлар фаолиятини ёритувчи энг яхши сайт» номинацияси ғолибига айланди. Сарҳисоб жараёнида ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам таҳлил этилди.

Конференция якунида «Камолот» ЁИХ Навоий вилояти кенгаши раислигига Қозим Тожиев номзоди тавсия этилди. Делегатлар ушбу номзодни бир овоздан маъқуллашди.

Бугун Ҳаракат олдига қўйган вазифаларни босқичма-босқич удалаб бормоқда. Асосийси, ҳаракатдан тўхтамаслик. Бу эса сизу бизнинг ташаббускорлигимизга боғлиқ. Зеро, «Камолот» бизнинг ҳаракатдир.

**Дилдора КАТТАЕВА,**  
**Навоий вилояти**

# КИТОБ – МЎЪЖИЗА

## ЭСКИ ДЎСТ

Уч-тўрт йил бурун айрим сабабларга кўра, бир неча кун кайфиятим бузилди. Қон босимим кўтарилиб, тунда яхши ухлолмайдиган бўлдим. Вужудимни тушкунлик қоплади.

Ўзимни чалғитиш учун улфатлар давраларига бордим. Кўнгилга яқин кишилар билан суҳбатлар қурдим. Бу нарсалар вақтинча хушнудлик бахш этиб, бироз таскин берса-да, бироқ умумий тушкун кайфиятдан халос қилмади.

Шунда тасодифан қўлимга бир китоб тушиб қолди. Вақт ўтказиш, тушкун кайфиятдан қутулиш учун китобни ўқий бошладим. Бир неча саҳифадан сўнг асардаги қаҳрамонлар ҳаётига, тақдирга қизиқиб, уни қандай тугатганимни билмай қолибман. Кейин бошқасини ўқишга тушдим.

Уйқум ҳам, қон босимим ҳам меъёрига келди. Энг муҳими, кайфиятим яшилди. Бадий асарнинг инсон рухий дунёсига берадиган беқиёс хузурини яна бир бор ҳис қилдим. Кўп вақтдан буён бадий китоб ўқимай кўйганим, бу эски дўстимни унутганимга иқрор бўлдим. Ўзимдан ўзим ранжидим.

Шундан сўнг тез-тез китоб дўконларини айланадиган бўлдим. Кутубхонага бордим. Ёшлиқда ўқиган китобларимдан уч-тўрттасини «мазза қилиб» қайта ўқидим.

...Ўқувчилик давримизда қишлоғимизнинг бир чеккасидаги кўримсиз, эски бинода мўъжазгина кутубхона бўларди. Биз мактабдан чиққач, энг кўп борадиган манзилимиз шу жой эди. Кутубхонадаги барча китобларни ўқиб чиққан бўлсак-да, яна қайтадан мутолаа қилишдан эринмасдик. Албатта, бадий китоблар етишмасди. Янги келган китоблар қўлдан-қўлга ўтиб ўқиларди. Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёти, жаҳон ёзувчилари ижоди билан биз қишлоғимизнинг шу кичик кутубхонасида танишганмиз.

Қишлоғимиз туман марказидан анча узоқда. Гоҳ-гоҳ марказга борганимизда, биринчи навбатда, китоб дўконларига кирар ва, албатта, беш-ўнта китоб олиб қайтардик.

## КИТОБ ЎҚИМАЙДИГАН МУТАХАССИС

Бир куни ҳамкасблар кейинги пайтларда одамларнинг китоб ўқимай кўйганлиги, маза-матрасиз кинолар кўпайиб кетаётганлиги ҳақида суҳбатлашиб қолдик.

Кўшни тахририятга яқинда ишга келган ёш журналист йигит бизнинг суҳбатимиздан зерикди, шекилли:

— Ҳозир китоб ўқиш шарт эмас! — деди беписанд оҳангда.

— Нега? — Бараварига ажабланиб сўрадик.

— Масалан, мана мен умримда иккита китоб ўқиганман, холос. Аммо тенгқурларимнинг ҳаммасидан зўрман: машинам бор, уйим бор, Тошкентда ишга қолдим.

— Қанақа китоблар ўқигансиз? — кинояли сўради даврадагилардан бири.

— «Сариқ девни миниб»... Муаллифини эслолмади у.

— Иккинчиси?

Ёш ҳамкасбимиз бошини қашлади. Бироздан сўнг:

— Ёдимга тушмади, — деди пинагини ҳам бузмай. Устимдан кимдир бир пақир совуқ сув куйиб юборгандай музлаб кетдим. Юрагимда оғриқ сездим.

Шу суҳбатдан сўнг баъзи бир ёш ҳамкасбларимнинг куруқ, ҳиссиз, расмий ҳисобот тарзидаги «услуг»лари сирини англагандай бўлдим. Бадий китоб ўқимайдиган бундай мутахассисларнинг аҳволига ачинаман.

## ЎҚИШ ВА ЁЗИШ ЗАВҚИ

Инсон ҳавосиз, сувсиз, нонсиз яшай олмаганидек, китобсиз ҳам умр кечиролмайди. Бадий адабиётнинг инсон маънавий дунёсига таъсири бениҳоя катта. Адабиёт қалбни тарбиялайди. Адабиётга ошно инсоннинг дили меҳр-муҳаббатга тўлиқ бўлади. Адабиёт инсонни қурашга, юксак мақсадлар билан яшашга, халқпарвар, ватанпарвар бўлишга ундайди, бунёдкорлик, яратувчиликка даъват этади. Гоҳи давраларда бугунги ёшлар ҳақида гап кетиб, улардан нолиш бошланганда, мен ёшларнинг биздан устун жиҳатларига эътиборни қаратаман. Улар компьютерни яхши билади, хорижий тилларни ўзлаштирган... Спорт ва санъат, илм-фан соҳасида фарзандларимиз эришаётган муваффақиятлардан ғурурланамиз. Бироқ, назаримда, бадий асар ўқиш, китобхонлик масаласи сал камайгандай туюлади.

Бунинг бир қатор объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Шулардан бири кино, телевидение, компьютернинг ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаганидир. Қўлимиз бўш бўлди дегунча, телевизор мурватини бурраймиз. Уйқудан тургач, то ишга кетгунча, ишдан қайтиб, то уйқуга ётгунча эрма-

гимиз телеэкран. Ишхонада эса уззукун тикилганимиз компьютер. Ёш болаларни айтмайсизми, мактабдан келибоқ компьютер олдига ўтиради. На овқат ейди, на сув ичади, билгани компьютер ўйинлари.

Тўғри, телевидение, компьютер инсоният яратган энг катта мўъжизалардан бири. Аммо бу воситаларнинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам борлигини асло ёддан чиқармайлик. Гоҳида хизмат юзасидан турли идораларга кирганимизда пўрим кийинган, тили бийрон йигит-қизларнинг она тилида икки жумлани бир-бирига қўшолмай, ярим варақ хатни ёза олмай терга ботиб ўтирганини кўрамиз. Шунда бадий асар ўқимайдиган мутахассиснинг фожеаси негизини англагандай бўламан.

Китоб ўқувчига беқиёс маънавий завқ бериш билан бирга, унда ёзма нутқ кўникмасини шакллантиради. Ёзиш инсонга берадиган хузур эса китоб ўқилганда туйилган маънавий хузурдан бир неча баробар ортиқдир. Сўзнинг маъносини, товланишларини, оҳангини, рангини, кудратини ҳис қилган одам нафақат билимли, саводли, балки жамиятга керакли кишидир. У Ватан равнақига жуда катта ҳисса қўшиши мумкин ва бундай инсоннинг элга нафи кўпроқ тегади.

## КУТУБХОНА ҚУРГАН МУАЛЛИМ

Ўз маблағи ҳисобига кутубхона қурган отахон ҳақида эшитганимда, кўпчилик қатори мени ҳам бироз ажабланиш, бироз ҳайратланиш туйғулари қамраб олди. Бу одам билан танишиш, кутубхонасини кўриш истаги пайдо бўлди. Суриштирсам, у кишини нафақат Қашқадарёда, балки бутун мамлакатимизда кўпчилик зиёлилар яхши билишар, бу маънавият жонкуяри ҳақида қатор оммавий ахборот воситаларида мақолалар ҳам чоп этилган экан.

Бугун шаҳару қишлоқларимизда ҳар қадамда қад ростлаб турган бири-биридан кўркам тўйхонаю чойхоналар, савдо дўконларию аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш шохобчаларини кўриб кўзингиз қувнайди. Булар мустақиллик берган шароит ва имкониятлар туфайли халқимизнинг турмуши кун сайин фаровонлашиб бораётганидан бир нишонандир.

Хўш, оддий қишлоқ муаллими Холбой Хонқулов нега ҳар куни фойда келиб тура-

диган савдо дўкони, тўйхона ёки ошхона эмас, айнан кутубхона қурди?

— Болалигимдан китобга меҳр кўйдим. Шу меҳр, ҳавас туфайли Тошкентда ўқиб, олий маълумот олдим. Бутун умр мактабда ўзбек тили ва адабиётидан ёшларга сабоқ бердим. Уларда китобга, илм-фанга меҳр уйғотишга ҳаракат қилдим. Ўқувчиларимни яхши инсон, малакали мутахассис бўлиб эл-юртимизга хизмат қилишга даъват этдим, — дейди отахон. — Нафақага чиққач, бундай қарасам, уйимда бир дунё китоб йиғилиб қолибди. Ўзим йиллар давомида сотиб олганман, фарзандлар олиб келишган. Булардан одамлар баҳраманд бўлсин, дедим. Ўғил-қизларимни йиғиб, уларга маслаҳат солдим. Фарзандларим ниятимни маъқуллашди.

Касби тумани ҳокимлиги раҳбарлари оиламиз ташаббусини қўллаб-қувватлаб, кутубхона қуриш учун ер ажратиб беришди. Баъзилар ўзи бир оддий муаллим бўлсангиз, пулни қаердан олдингиз, дея сўрашади мендан. Томорқамиз кенг-мўлгина. Каттагина боғимиз, чорвамиз бор. Шуларнинг даромадидан жамғариб қўйган пулим бор эди. Камига банкдан кредит олдик. Фарзандларим, ҳамқишлоқлар ҳам қараб туришмади...

Қатағон қишлоғида ўн мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Иккита умумтаълим мактаби, иккита қишлоқ врачлик пункти бор. Холбой отанинг кутубхонаси ҳамisha мактаб, коллеж ўқувчилари, китобхонлар билан гавжум. Мўъжазгина кутубхона 20 мингдан зиёд китоб фондига эга. Бу ерда ижтимоий-сиёсий адабиётлар, илм-фанга оид ўқув қўлланмалари, бадий адабиётлар ва болалар учун китоблар тартиб билан жавонларга териб қўйилган. Ўқув зали замонавий мебеллар, иситиш ва совутиш ускуналари билан жиҳозланган. Уч дона компьютер ўқувчилар ихтиёрида. Баъзи китобларнинг электрон шакллари ҳам мавжуд.

Кутубхона фонди йилдан йилга кўпайиб бормоқда. Чунки ўқитувчилар, журналистлар, нашриётлар бу мўъжаз маърифат масканига тез-тез китоблар совға қилишадди. Ёзувчи ва шоирлар янги чоп этилган асарларидан намуналар жўнатиб туришадди.

Бир куни вилоят марказидан бир одам келди. Кутубхонадаги китобларни санаб, бугунги баҳода нархлаб, ҳисоб-китоб қилиб чиқди.

Сўнгра Холбой отага таклиф қилди: фалон миллион сўм бераман, китобларингизни менга сотинг, бойиб кетасиз, отахон, деди. Балки у бир олибсотардир, балки муаллимнинг ўзига ўхшаган китоб «жинни»сидир. Аммо Холбой ота кўп ўйлаб ўтирмай, уни зиё масканидан ҳайдаб чиқарди.

«Ўзингиз ўйланг, Президентимиз маънавият, маърифатга қандай юксак даражада эътибор бераётдилар. Шундай пайтда биз — ўқитувчилар, зиёлилар у кишига камарбаста бўлиб, баҳолу қудрат қўлимиздан келгунча ёрдамлашсак, юртимиз янада обод бўлиб, халқимиз фаровон яшайди-ку! Ахир, бугун озод Ватанимиз эришаётган муваффақиятлар замирида илм-фан, маънавият ва маърифат турибди-ку!» — дейди Х.Хонқулов.

— Кутубхонага тез-тез кириб тураман, — дейди Қатағон қишлоқ врачлик пункти шифокори Нурали Очиллов. — Бу ерда Президентимизнинг асарлари, Ўзбекистон Миллий Энциклопедиясининг барча жилдлари, марказий газеталар тахламлари, илм-фан, тарихимизга, замонавий тиббиётга оид китобларни ҳам топиш мумкин. Биз шундай фидойи, жонкуяр, китобсевар ҳамқишлоғимиз борлиги билан фахрланамиз!

Кутубхона 2010 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Холбой ота Хонқуловнинг эзгу ниятлари кўп. Ўзи бош бўлиб қураётган икки қаватли «Ёшлар маркази» биноси ишга тушгач, бу ерда ёшлар учун ҳар хил тўғараклар фаолиятини йўлга қўйишни мўлжаллаган.

Президентимиз Ислоҳ Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» китобида шундай ёзади: «Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади».

Қашқадарёнинг олис бир қишлоғида бутун умр йиққантерганига кутубхона қуриб, одамларга зиё, маърифат тарқатаётган оддий муаллим, жонкуяр инсоннинг маънавий жасорати ана шу фикрларнинг амалий исботи бўлиб кўринади бизга.

**Абдужалол ТАЙПАТОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ**



■ 2014-yil — Sogʻlom bola yili ■

*Сирдарё вилояти Ширин шаҳар тиббиёт бирлашмасида болаларни соғломлаштириш бўйича кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.*

*Тиббиёт бирлашмасига қарашли поликлиникада алоҳида болалар маслаҳатгоҳи бор. Бу ерда беш нафар шифокор фаолият юритади. Улар ўзларига бириктирилган ҳудудда болаларни соғломлаштириш борасида режадаги ишларни амалга оширмоқдалар. Бирлашмада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда.*



## ШИФОКОРНИНГ СЎЗИ ҲАМ ДАВО

Тиббиёт бирлашмасида болалар касалликлари бўлими мавжуд. Мазкур бўлим ўн икки ўринли амбулатор-стационар хизматига эга. Даволаш хоналари барча зарур инвентарлар, тиббиёт жиҳозлари ва дори-дармонлар билан таъминланган. Бўлимга олий тоифали шифокор Сайёра Шарипова раҳбарлик қилади.

Айни пайда тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар поликлиникасида 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари қизғин. Унга тўрт нафар болалар шифокори жалб этилиб, белгиланган режа асосида ишляпти.

— Йил бошидан буён болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш ишларини жадал олиб бораяпмиз, — дейди поликлиника мудир, олий тоифали шифокор Зулхумор Авазова. — Ҳозиргача 2675 нафар бола тиббий кўриқдан ўтди. Аниқланган касалликлар бўйича амбулатор-стационар шароитида соғломлаштириш ишларини олиб бораяпмиз. Жорий йилнинг май ойига қадар болаларни тўлиқ тиббий кўриқдан ўтказиш кўзда тутиляпти.

Мазкур поликлиниканинг маҳоратли шифокорларидан бири Матлуба Жўраева ўзининг ширинсуханлиги, касбига садоқати, меҳрибон ва жонқуярлиги билан ота-оналарнинг хурмати ва ишончига сазовор.

Ҳозирда Шириннинг ширинсўз шифокорлари мактаб, болалар боғчаси ва маҳаллаларга бориб, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш мақсадида кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бораяпти. Уларнинг фидойилигидан ота-оналар ҳам, болалар ҳам беҳад хурсанд.

**Ашурали БОЙМУРОД,**  
«Turkiston» мухбири

## ФАРЗАНДИНГИЗДА К ВИТАМИНИ ЕТАРЛИМИ?

*Соғлом бола — оила қувончи, Ватан таянчидир. Лекин шунга қарамай, турли хил витаминларнинг етишмаслиги ёки бошқа сабаблардан азият чекаётган болалар ҳам кам эмас. Бунга маълум маънода баъзи ота-оналар ва уларда тиббий кўрикманнинг етишмаслиги сабаб бўляпти ва кўп ҳолларда яхшилик билан тугамаяпти. Шундай муаммолардан бири болаларда К витаминининг етишмаслигидир. Хўш, К витамини ўзи нима?*

К витамини инсон организми учун энг зарур витаминлардан бири бўлиб, у қон ивишида асосий роль ўйнайди. Бу витамин ингичка ичақда ишлаб чиқарилиб, жигарда синтезланади. Шу боис янги туғилган чақалоқда К витаминининг ишлаб чиқарилиши фаол шаклда бўлмайди. Фақат она сути орқали бола организмининг ушбу витаминга бўлган эҳтиёжини таъминлаш мумкин. Олти ойдан кейингина соғлом бола организми бу витамин билан ўзини ўзи таъминлай олади.

Боланинг ич бузилиши ёки жигар касалликлари сабабли унинг организмида К витамини камайиб, етишмай қолади. Оқибатда, болада ҳазм қилиш жараёни бузилади, қорни дам бўлиб, қони суяқлашади. Сурункали асаб зўриқишлари натижасида мияга қон қуюлади. Бундай ҳолатлар кўпроқ ўлим билан якунланади. Бу «болалар инсулти»

деб номланмоқда. Асосан, бу касаллик олти ойгача бўлган чақалоқларда учрайди. Шунинг учун ҳам шу давр оралиғида она ўзини ҳам, болани ҳам эҳтиёт қилиши, эътиборлироқ бўлиши зарур. Агар боланинг ичи тез-тез бузилиб, сурункали давом этса, дарҳол шифокорга учрашиши керак.

Агар фарзандингизда милк ва бурун қонаши, терида қонталаш излар, ҳолсизлик, чарчоқ аломатлари сезилса, дарҳол шифокорга учрашинг. Чунки бу ҳол айнан К витамини етишмаслигидан бўлиши мумкин. Шуни таъкидлаш жоизки, чақалоқда К витамини ўртача миқдорда 5-15 микрограмм, оналарда ва ҳомиладор аёлларда 120-140 микрограмм миқдорида бўлиши керак.

Охириги олти ой ичида шифохонамизга шу касаллик бўйича 52 та бола ётқизилган. Шулардан 36 таси жарроҳлик йўли билан даволанди. Статис-

тик маълумотларга қараганда, К витамини етишмаслиги билан касалланган чақалоқларнинг 82 фоизи миясига қон қуйилиши натижасида бевақт оламдан кўз юммоқда.

Касални даволагандан кўра, унинг олдини олган афзалроқ, дейишади. Хўш, бунинг учун нима қилиш керак? Энг аввало, ҳомиладор аёллар ва оналар кўкатлар, исмалоқ, карам, дуккакли маҳсулотлар, помидор, бодринг, қовоқ, картошка, арпа, наъматак, кўк чой, киви, банан, зайтун ёғи, соя, жигар, сут ва сут маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилишлари лозим. Чунки ушбу маҳсулотларда К витамини кўп бўлади. К витамини ҳақида оилавий поликлиникаларда ҳам тушунтириш ишларини олиб бориш зарур.

**Дониёр ТУРСУНОВ,**  
Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий маркази Болалар реанимация ва анестезиялогия бўлими шифокори

## ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ — МУҲИМ ҲУЖЖАТ

*Мамлакатимиз Президентининг 2009 йил 23 июндаги «Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича Уйчи туман ички ишлар бўлимининг паспорт бўлинмаси томонидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.*

Ўтган йил давомида қарийб 49 минг нафар фуқаро билан суҳбат ўтказилиб 5541 нафарига Ўзбекистон Республикаси фуқаролик паспортлари расмийлаштириб берилди. 5,7 минг нафардан зиёд фуқаро доимий рўйхатга қўйилиб, 863 нафари рўйхатдан чиқарилди. Шунингдек, 99 нафар фуқаронинг аризасига асосан янги биометрик паспорт расмийлаштириб берилди.

Бўлинма шахсни идентификациялаш имконини берувчи биометрик белгиларни олиш учун зарур замонавий техник ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган.

Ички ишлар вазирлигининг ҳамюртларимизни чет эл ва Ҳамдўстлик давлатларида чиқишларини тартибга солиш ҳамда доимий яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар билан олиб борилаётган тезкор про-

филактик тадбирлар самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги буйруқ ва тавсияларининг ижроси таъминланмоқда. Хусусан, яшаш манзилларидан узоқ муддатга чиқиб кетган шахслар тўғрисидаги маълумотлар марказлашган компьютер базасига киритилмоқда.

Бундай ишларни амалга оширишда бўлинма ходимлари — сержант Мансуралӣ Тожибоев, паспортчилар Равшанбек Зокиров, Исмоил Нажмиддиновнинг хизмати катта.

— Ҳозир маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликни кучайтириб, «Паспорт-виза» тадбирларини пухта ва мукамал ўтказиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб



олдик, — дейди бўлинма бошлиғи, майор Аҳмаджон Жумабоев.

Бўлинмада ёшлар, шу жумладан, биринчи марта фуқаролик паспорти олаётган ёшлар билан ишлашга катта

эътибор берилмоқда. Касбунар коллежларида фуқаролик паспортларини топширишга бағишлаб тантанали маросимлар ўтказилмоқда.

**Турғунбек МАҲКАМОВ**

■ *Huquq va yoshlar* ■

Mulohaza

# АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?

**Эрталаб ишга кетаётиб, ўглининг қўлидан маҳкам ушлаб, мактабгача таълим муассасасига олиб бораётган аёлга дуч келдим. Ўгли бормайман, деб хархаша қилар, она борасан, деб уришарди. Болаям жуда ўжар экан, нима бўлди-ю, онанинг қўлидан силкиниб чиқиб кетди. Бола-да, қаёққаям борарди, орқага қараб қочди — уйга!**

— Синглим, — дедим аёлга, у мenden ёшроқ эди. — Болани шунча қийнашингиз шартми? У билан дўстона гаплашсангиз, тушунади-ку.

— Тушунмайди! — деди ёш она ва боласининг изидан уйига қараб юрди...

Ишга боргунча бу ҳолат кўз ўнгимдан кетмади. Хўш, сиз ўша онани уйга борасолиб, боласини эркалайди деб ўйлайсизми? Йўқ, кузатишлардан маълумки, афсус билан айтапмиз, кўпчилик ёш оналар бундай қилмайди. Улар болани каттиққўллик билан йўлга солишга ҳаракат қилишади. Бола қайсар бўлмайди, муаммо ўз ҳолича қолади: уч-тўрт яшар болакайни уришиб тарбиялаб бўлармиди? Одатда бу ёшда улар айна ширин сўз билан тарбиялаш даврида бўладилар. Ёлгон гап, алдовлар билан эмас, ростгўйлик билан ҳам уларга чиройли тарбия бериш мумкин.

## ФАРЗАНДИГИЗА РОСТ ГАПИРАСИЗМИ?

Айрим ибораларда ҳаёт ҳақиқати акс этгандек кўринса ҳам, аслида уларнинг миллий тарбия борасида зарарли жиҳатлари ҳам бўлади. Масалан, «Алдагани бола яхши» деган ибора. Буни оилавий тар-

бияда асос қилиб олган ёш ота-оналар ҳам учрайди.

Дейлик, бола бозорда чиройли велосипедни кўриб қолди. Ота-онасига олиб беринг, дейди. Кимдир, олиб беради, кимдир, йўқ. Лекин «йўқ» дейиш билан «йўқ» дейишнинг ўртасида фарқ бор. Бир тоифа ота ёки она бундай вазиятда алдовни ишга солади: «Ҳозир пулимиз камроқ, кейинги келганимизда, албатта, олиб бераман». Аслида ичида нима қилиб бўлса ҳам бу растадан узоқлашиш фикри бўлади, кейинги сафар ҳам олиб бермаслигини ўзи билиб туради. Ўйлайдики, кейинги галга боланинг эсидан чиқиб кетади. Бу адашувнинг ўзи. Бола ҳеч қайси ваъдани эсидан чиқармайди. Қарабсизки, кейинги сафар ота-онанинг алдагани фош бўлади.

Хўш, болага нима деб жавоб берган маъқул? Унга узундан-узун насиҳат қилган яхшими ёки жойида жеркиб, унинг истагини синдиришга уринган маъқулми? Иккаласиям нотўғри. Бундай вазиятда энг содда усул қўл келади. Болага яхши сўз билан тушунтирасиз: «Болам, сенга ҳозир велосипед эмас, ўкув куроллари, китоблар жуда муҳим (бозорга асли-

да нима мақсадда чиқилган бўлса, ўша эслатилади). Мактабда ҳамма фандан аъло ўқисанг, сенга велосипед ҳам олиб бераман, албатта. Фақат ҳозир энг керакли нарсаларни харид қилишимиз керак».

Ёлгон гапларни эшитиб ўсган бола ўзи ҳам келажакда шундай йўл тутушга ўрганади. Ростгўй ота-она тарбиясини олган боланинг келажаги ҳам шунга мос бўлиши шубҳасиз.

## БАЪЗИ ТАВСИЯЛАР

Бола тарбияси ниҳоятда нозик ва жиддий масала. Негаки, фарзанд оилада қандай тарбия топса, жамиятда ҳам шундай яшашга интилади.

Тарбиявий ҳаракатларингиз натижасини тезда кўришга интиланг. Айрим тарбиявий воситаларнинг таъсири бир неча йилдан кейин, ҳаттоки, ўн йиллардан кейингина намоён бўлади. Лекин бунинг уруғини ҳозир экингангиз керак. Болани тарбиялаш учун алоҳида вақт ёки жой танлаш шарт эмас. Аввало, бола билан ўзаро ишончли муносабатда бўлиш керак. Унинг мустақил фикрлашига имкон яратиб, салбий ва ёмон нарсаларни қандай бўлса шундайлигича баҳоламаслигини ўргатиш лозим. Инсонлардаги ёмон характерларни болага кўрсатмаслик, айниқса, яхши таниш бўлган қариндошлар, ўқитувчилар, тарбиячи ва қўшниларни ёмонлашга қаратиш керак. Ҳаттоки улар шунга муносиб бўлса ҳам. Болага бирор ишни уддалай олгунча эркинлик бериш ҳамда ҳуқуқ ва бурчларини синдириш зарур.

Болага яхши гапларни,

яхши ишларни ўргатиш ёки ўргатишга интилиш ҳали боланинг яхши тарбия олди, дегани эмас. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, ҳозиргача замонавий педагогика ва психологияда буни аниқ ва ишончли даражада аниқлаш механизми ишлаб чиқилмаган. Буни одатдаги анъанавий усуллар: тестлар, савол-жавоблар ёрдамида барча болаларда ишончли даражада аниқлаш жуда мушкул иш.

Болага нисбатан қаттиққўллик, ортиқча буйруқ-бозлик ва доимо қандайдир тартиб ва одоб меъёрларига риоя қилишини талаб қилиш ҳамда унинг устидан қаттиқ назорат ўрнатиш ҳам бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Чунки унинг эркинлиги чекланиб, мустақил фикрлаш қобилияти йўқолади. Энг муҳими, ундаги ички назорат — ақл, виждон, ғурур ва орият бўғилади. Бундай бола кейинчалик эркин муҳитга тушиб қолса, ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас.

Дарҳақиқат, барчаси уйдаги тарбиядан бошланади. Ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг барпо бўлиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масаладир. Мамлакатимизда жорий йилнинг Соғлом бола йили деб эълон қилиниши ҳам юртимизда соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш йўлида олиб борилаётган ислохотларнинг давомийлигини таъминлашга қаратилган. Зеро, доно халқимиз айтганидек, оила тинч бўлса, юрт тинч бўлади.

**Роза ИСАКЖАНОВА,**  
Тошкент педагогика коллежи ўқитувчиси

Tengdoshlarimiz

# ЮКСАЛАЁТГАН «НИҲОЛ»ЛАР

**Ўз фарзандларини Ўзбеклардек севиб-ардоқлайдиган, уларнинг юксак орзуларига қанот берадиган миллат дунёда топилмайди. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган «Ниҳол» мукофоти ҳам фикримиз далили. Давлатимизнинг ана шундай эгтирофига сазовор бўлган ёшлар орасида Фарғона санъат коллежининг «Ниҳол» жамоаси аъзолари ҳам бор.**



— Коллежимиз нуфузли санъат даргоҳи сифатида ўзбек мусиқа санъатида ўз ўрнига эга бўлган ижодкорларни тарбиялаб, етиштирган, — дейди жамоа мураббийи Дилоромхон Алимова. — «Ниҳол» жамоаси ҳам санъатимизнинг бугунги муносиб авлоди деб бемалол айта оламан. Жамоа 2003 йилда ташкил этилган. Ҳозирда унинг сафи янги истеъдодлар билан бойимокда. Утган давр мобайнида ёш чолғучиларимиз оркестр ва халқ мусиқа фестиваллари республика кўрик-танловларида муваффақиятли иштирок этдилар, янги-янги ижодий чўққиларни забт этишга улгурдилар.

— Дутор чалиш азал-азалдан

ўзбек қизларига хос нафис хислат бўлганлиги учун ҳам унга меҳр қўйганман, — дейди жамоа аъзоси Гулшаной Эргашева. — Оркестр жўрлигида бир-бирдан мураккаб, ўз ўрнида ўта дилрабо куйларни ижро этганимизда ҳар биримиз миллий мусиқа асбобларимиздан куч оламиз.

«Ниҳол» жамоасининг ёш ижрочилари ҳали узоқ йиллар халқимиз ва кенг ёшлар оммасини санъат сеҳрига мафтун этишлари, халқаро мусиқа фестивалларида ўзбек санъатини дадил намоён эта олишларига умидимиз баланд.

**Дилнавоз ҚҮЛДОШЕВА**



## Етти тонналик манго

Австралиянинг Квинсленд штатида етти тонналик манго меваси йўқолди.

Баландлиги ўн метр келадиган бу мева-ҳайкал туристларни жалб қилиш мақсадида Боуэн шаҳридаги боғ ёнига ўрнатилган эди. Ўғриларнинг нима мақсадда улкан мевани ўғирлаганлари ҳозирча номаълум. Боғ маъмурияти ўғриларни қидирувга берган. Кузатув камераларида ўғирлик жараёнидан фақат автокўтаргич кўриниб қолган. Улкан манго 2002 йилда ўрнатилган, унга тўқсон минг АҚШ доллари сарфланган эди.

## Янада қулай

Испаниянинг Барселона шаҳрида ўтказилган «Mobile World Congress» анжуманида «WhatsApp» мессенжерига овозли кўнғироқ хизмати пайдо бўлиши маълум қилинди.

Ушбу хизмат йилнинг иккинчи чорагидан йўлга қўйилади. Дастур асосчиси Ян Кумнинг сўзларига қараганда, хизмат «Android» ва «iOS» каби операцион системаларда бир пайтда ишга тушади. Фойдаланувчилари 450 миллиондан ошган бу мессенжернинг овозли кўнғироқ хизмати охириги тўрт йилдаги жиддий иши. Шунингдек, «WhatsApp» вакиллари уни ҳар доимгидек рекламалардан холи бўлишини алоҳида таъкидлади.

## Энг қиммат қўлқоплар

Таниқли боксчи Муҳаммад Алининг биринчи ғалабали жангида кийган қўлқоплари кимошди савдосида сотилди.

Қўлқоп нақ 836,5 минг АҚШ долларига баҳоланди. Харидор ўз номини ошкор этишни хоҳламади. Ярим миллиондан старт олган нархни ўн бир нафар бокс ишқибози қисқа муддатда 836,5 минг АҚШ долларигача кўтарди. Муҳаммад Али ушбу қўлқоплардан 1964 йил Майамида бўлган жангда фойдаланган эди. Бокс тарихидаги энг машҳур шахслардан ҳисобланган Муҳаммад Али 1964 йилдан 1966 йилгача ва яна 1974 йилдан 1978 йиллар оралигида оғир вазнда мутлоқ чемпион бўлган. У 1960 йилги Олимпиада ғолибидир.

## Оғирлик қилди

Вьетнамнинг Лайтяу вилоятида дафн маросими пайтида кўприк қулаб тушди. Натижада етти киши ҳалок бўлди.

37 киши жароҳатланган, 23 нафарининг аҳволи оғир. Маълум бўлишича, тобутни сой устидан кўтариб ўтишаётганда осма кўприк ипларидан бири узилади. Оқибатда маросим иштирокчиларининг аксарияти йигирма метр баландликдан сойга тушиб кетади. Мутахассислар ҳаддан ташқари кўп одамларнинг бир хил қадам ташлашидан пайдо бўладиган резонанс кўприк ипи узилишига сабаб бўлганини айтишмоқда. Шуниси қизиқки, кўприк эски эмас, ўтган йилнинг ёзида қурилган эди.

**Интернет манбалари асосида Жавоҳир КАРОМАТОВ тайёрлади**



## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Футбол ўйнашнинг, футбол ҳақида ўйлашнинг қотираман, деган, юрагида ўти бор мухлислар учун зўр имконият!

# «ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ФУТБОЛ»

### ТАНЛОВ-ВИКТОРИНАСИ

Викторинада иштирок этиш жуда осон! Сиз газетамизда эълон қилинадиган Ўзбекистон ва жаҳон футболга оид саволларга ўз вақтида тўғри жавобларни йўллаб борсангиз, кифоя. Танлов шу йилнинг **30 июнигача** давом этади. Унда энг кўп очко тўплаган уч нафар мухлис Бразилияда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионати финали олдидан тақдирланади. Танловда **30 ёшгача** бўлган мухлис ва мухлисалар қатнашишлари мумкин.

#### 9-савол:

**Ўзбекистоннинг Осиё чемпионлар кубогида (ҳозирги чемпионлар лигаси) энг юқори натижага эришган жамоаси қайси?**

Жавобингизни [intellekt\\_sport@mail.ru](mailto:intellekt_sport@mail.ru) электрон манзилига савол эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафта ичида ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот ва телефон рақамингиз билан бирга жўнатишингиз лозим.

### Katta tanaffus



## КАТТА ХУМЛАРИ БЎЛГАН КИЧИК МУЗЕЙ

**Жарқўрғонлик ҳаваскор археолог Исмоил Абдуллаев ташаббуси билан шу тумандаги «Намуна» фуқаролар йиғинида ташкил этилган тарихий бурчак кенгайтирилиб, эндиликда кичик музейга айланди.**



Нодир экспонатларга бой ушбу музейга қўшни туманлардан ҳам қизиқувчилар келиб туради. Яқинда музей топилмалари қаторига яна бир экспонат қўшилди.

— Маҳалламизда яшовчи Абдурашид Мирзоқулов деҳқончилик иш-

лари вақтида сув сақлаш учун мўлжалланган катта хум топиб олди, — дейди Исмоил Абдуллаев. — Идишни авайлаб кичик музейимизга олиб келдик. Экспонат бундан олдинроқ топилган, дон сақлаш учун мўлжалланган катта хум ёнидан жой

олди. Бежирим нақшлар билан безатилган, тарихий хумларга қизиқувчилар кундан-кунга кўпаймоқда.

Топилмалар, асосан, музей атрофидан топилган. Қўшни маҳалла ва туманлардан ҳам тарихий буюмларни олиб ке-

либ бераётганларни учратиш мумкин. Музейда ўзининг ноёблиги ва антикалиги билан ажралиб турадиган экспонатлар сони юздан ошган.

**Наргиза РАХМАТУЛЛАЕВА, «Turkiston» мухбири**

Тўла, зар					... иғрик, зет	Ип ўрама		Соф. ҳақиқий	Куй, мусиқа, наво	Онг, шуур		... Анжелес (шаҳар)
↓	Машина русуми	«Тулки ила ...» (масал)	Шифохона	Кулф...	↓	↓	Зарур, даркор	↓	Дори тури	↓	Чақалоқ тўйи	Кийим қадағичи
↗					Оналар қўшиғи					... баланд		
	Самолёт шофёри		... насаб				Керагидан кўп, зиёд					Қийматсиз рақам
↗					Қиёфа, сиеқ				Бокс майдони			
	Ўғил бола исми		Украина пойтахти				Қасос, ўч					
→	Ашаддий ишқибоз				... келди ҳамма келди					Симбаддин образ		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## Биласизми

# БУТУН ДУНЁДА ЎРГАНИШАДИ

*Ақл ёшда эмас, бошда, дейишади. Жаҳон цивилизациясига муҳим ҳисса қўйган қайси бир олимнинг ҳаёти ва фаолияти билан танишсак, бу нақлнинг нақадар ҳақлигига амин бўламиз.*

Улуғ ўзбек олими Абу Али ибн Сино ҳам ботаникадан ўз истеъдодини намоён этган алло-малардан. У ўн икки-ўн уч ёшларидан ўзининг ўткир зеҳни, қувваи ҳофизаси билан тенгдошларидан яққол ажралиб турган. Ўспирин ёшидан фалсафа, тарих, математика, мантиқ ва ҳуқуқшунослик билан шуғулланади. Йигирма ёшга ҳам етмай, тиббийёт илмини ҳам мукаммал эгаллаб, олим даражасига эришади.

Албатта, унинг етук олим, донишманд шахс бўлиб камол топишида истеъдоднинг ўзигина муҳим ўрин тутмаган. Ибн Сино, авваламбор, машаққат билан илм ўрганган, мутолаадан, изланишдан тўхтамаган. Унинг Хоразмдаги Маъмур академиясида улуғ алломалар билан бирга фаолият олиб боргани, Берунийдек улуғ зот билан фаннинг турли соҳаларида фикрлашгани, баъзан илмий баҳсга киришгани ҳам унинг ёшлиқдан илмда ғайратли ва журъатли бўлганини англатади.

Буюк аждодимиздан юзлаб асарлар мерос қолди. Манбаларда унинг асарлари сони 450 дан ошиши айтилади. Лекин бизгача ундан 160 га яқин асари етиб, келган.

Абу Али ибн Синонинг маънавий меросини бугун бутун дунёда катта қизиқиш билан ўрганишади.

**Гулбахор ЖАМАНКУЛОВА,**  
Тошкент банк коллежи ўқитувчиси

## «TURKISTON» САВОЛ БЕРАДИ

Ушбу медиа лойиҳа давом этади. Лойиҳа доирасидаги иккинчи учрашув **2014 йилнинг 27 февраль** куни «Камолот» ЕИХ Хоразм вилояти кенгаши раиси **Мансурбек Машарипов** билан бўлиб ўтади. Суҳбатдошимиз ҳақидаги маълумотларни [www.kamolot.uz](http://www.kamolot.uz) сайтида ўқишингиз мумкин.

Савол ва тақлифларингизни [savol@turkiston.uz](mailto:savol@turkiston.uz) электрон манзили ёки **(+9 9871) 233-79-69** телефон рақами орқали кутиб қоламиз.

Энг қизиқарли савол ва тақлиф муаллифларини совғалар кутмоқда. Шошилинг, вақт оз қолди.

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

*Пайшанба шаҳарчаси республикамизнинг қайси вилоятида жойлашган?*

Жавобингизни **28 февраль** соат **16.00** га қадар **233-79-69, 233-95-97** рақамларига кўнглироқ қилиб беришингиз мумкин. Биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллаган мухлис номи газетамизда эълон қилинади.

#### Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

«Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» («Осор ал-боқия»).

Тўғри жавобни биринчи бўлиб Ангрен шаҳридаги 43-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Мафтуна Абдукаримова йўллади.

## YON DAFTARCHANGIZGA

Дунёда мавжуд бўлган жами нарсалар табиатига кўра камолот сари интилади. Камолот сари интилишнинг ўзи эса, моҳият эътибори билан яхшиликдир.

**Абу Али ибн Сино**